12 ИЮН 1991

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ:
ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ
ЗУЛ-ҚАЪДА, 29-КУН.
ШАМСИЙ,
1370 ЙИЛ
ЖАВЗО, 23-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган

1991 йил 12 июнь, чоршанба, 110-сон

НАРХИ обуначига 7 тийин. сотувда 10 тийин.

ОЛИЙ КЕНГАШ ОЛИЙ ДАРАЖАДА СИНОВДАН ЎТАЖАК

АГАР МЕНГА СЎЗ БЕРИШСА...

Мана бугун Узбекистон парламентининг бешинчи сессияси очиладн. Табиийки, ҳар бир депутат бу анжуманга ўз сайловчиларининг фикр-мулоҳазалари, дарду ҳасратлари, муаммолари билан ташриф буюрган. Қани энди уларнинг ҳар бирига минбарга изн берилсаю, юрагидаги ўй ва таклифларини изҳор этиб, шунга яраша ишларни амалга оширишга чақирса. Афсуски, бунинг имконияти йўқ...

Норпошша ИБРОЙИМОВА, Ҳазорасп районидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги 7-бригадасининг трактурчиси:

— Менга сўз берилса, биринчи навбатда халқимиз бугунги нарх-наводан ниҳоятда норози эканлигини айтардим. Маҳсулотлар нархи бир ярим—икки баравар оширилса ҳам чидаса бўларди. Тўрт—беш ҳиссага қимматлашиб кетиши... бу энди ноинсофликдир. Қишлоқдаги шўринг қургур болажон оиланинг иқтисодий аҳволини тасаввур қилиб кўринг. Баъзи хонадонлардаги вазиятни кўриб раҳминг келиб кетади. Колхозчи, оддий одамларнинг қозонида ҳеч вақо йўқ!

Мана энди мол-маҳсулотнинг айрим турлари эрзонлаштирилдяпти. Бироқ арзимаган бу мурувват биз яшаб турган жойларга ҳатто етиб бормаяпти. Аввало ҳукуматимиз нархни бу қадар осмонга олиб чиқишдан олдин чуқурроқ ўйлаши, умумжаҳон тажрибаларини ўрганиб, етти ўлчаб бир кесиши керак эди. Бу гапни айтишимдан мақсад, кейинги қарор ва қонунларни қабул қилишда ҳушёрроқ, мулоҳазалироқ, инсофлироқ бўлайлик...

Актамжон УСМОНОВ, Хатирчи районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи:

— Ҳозир аҳолини, айниқса, қишлоқни озиқ-овқат билан таъминлаш энг чирсиллаб турган муаммодир. У ерда ун, гуруч, шакар, умуман кундалик харид моллярини топиш мушкуллашиб бораяпти. Мен бу йўлда барча имкониятларни, зудлик билан ишга солишга чақираман. Бошоқли экинлар экишга шу йилнинг ўзиданоқ киришмоқ лозим. Кўйингки, халқимизга нима керак бўлса, ўзимиз етиштириш пайида бўлишимиз керак.

Бизнинг жамоа хўжалигимиз бу борада айрим ишларни амалга ошира бошлади. Яқинда электр тегирмони, жувоз қуриб ишга туширилди.

Бордию минбарга чиқиш насиб этса, округимиздаги хўжаликлардан биронтаси ҳам газлаштирилмаганини гапираман. Хуллас, дард кўп, дармон оз. Жафокаш халқ яхши ишлаяпти, бироқ яхши тишламаяпти.

Муниспхон ЭРГАШЕВА, халқ депутатлари Пахтаобод район совети раиси:

— Бир нарсага ҳеч ўрганолмаяпмиз: бу — кун тартиби лойиҳа матнини ҳеч бўлмаса сессиядан уч кунгина олдин депутатларга етказиш. Шундай қилинса, кўриладиган масалалар бўйича ўз сайловчиларимиз билан фикрлашиб олиш имконияти туғиларди. Бу эса қонунларимизнинг бир қадар халқчил, умрбоқий бўлишини таъминлаган бўлар эди.

Сўз беришса, солиқлар тўғрисидаги қонуннинг шошма-шошарлик билан қабул қилингани ҳақида гапираман. Қаранг, минг сўм даромад қилган одам 370 сўм солиқ тўласа, бу қандай бедодлик? Биз халқниям ўйлайлик, ахир! Мен кооператив (ширкатчи)ларнинг шу кундаги фаолиятига ҳам қаршиман. Уни йўқотиш тарафдориман. Нега? Чунки уларнинг ўзлари ҳеч нарса етиштиришмаяпти. Давлат ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотни у ёқ-бу ёқ қилиб бозорга солаяпти, холос. Ҳукуматимиз раҳбарларининг газ, сув, йўл қуриш борасидаги ваъдалари ҳам анча ўринсиз эканлигини айтган бўлардим. Кўп қарорлар қабул қиляпмизу уларнинг ижроси билан втарли шуғулланмаяпмиз.

Элмурод ЮСУПОВ, Шаробод районидаги механизациялашган 3-кўчма колонна автокранчиси:

— Азага борган одам ўз дардини айтиб йиғлайди. Мени ҳам ишчилар манфаати кўпроқ ташвишга солади. Иттифоқ ҳукуматиям, республикамиз раҳбарияти ҳам нарх-наво ошгач, пештахталар обод ва тўкин бўлиб кетишига умид тўғдиришганди. Қани ўша гаплар натижаси? Сезиб турибман, сессияда кўп депутатлар бу масалани кўтаришади. Мен ҳукуматимиз раҳбарларига халқни алдамаслик кераклигини, бу яхшиликка олиб келмаслигини айтмоқчиман.

Сўз сўрашга мажбур қилаётган муаммолар жуда кўп. Масалан, ишчилар, ҳайдовчилар маошининг деярли ўзгармай қолиши ҳам адолатдан эмас. Бундай олиб қарағанда ишчидан иш талаб қилинадию, унинг аҳволи, иқтисоди билан ҳеч кимнинг дарди йўқ. Қурилишда ҳам аввалги огир: материаллар етишмайди, борлари ўта сифатсиз. Менга тинчлик бермаётган муаммолардан яна бири ёшларга эътибор, муносабат масаласидир. Бизда ҳамон уларга айрича назар барҳам топмаяпти. Кўплаб олий маълумотлилар ишсиз ёки ўз соҳалари бўйича ишламаётирлар. Бунинг оқибати яхши тугамаслиги мумкин. Ҳукуматимиз бу борада ҳам жиддий бош қотириши керак.

Ёзиб олувчи Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ.

СУРАТЛАРДА: юқорида Узбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Пастда депутатларни рўйхатга олиш пайти.

Суратгир Еркин БОТИРОВ.

Гоявий мухолифларимизга зарба

Бозор вазнимаси исканжасида, мамлакатдаги ҳар томонлама парокандалик, бошбошдоқлик, ҳисобни йўқотиш, молиявий-иқтисодий танглик вазиятида Узбекистон ҳам ўз ёрига ўзи қовурилиб, зиддиятларни, қарама-қаршиликларни енгиб, не бўлса-да мўътадилроқ иқлимни, қут-баракани, меҳнат маромини сақлаб турган бир пайтда гоявий мухолифларимиз бизни ҳолимизга қўйишни, хонадонимизда ўзимиз ихтиёрдорлик қилишимизни сира-сира исташмаётир. Очиқ-ойдин душманликни касб этган ола-була, қора-қура, алмойи-алжойи матбуот нашрлари ўтмишимиз, бугунимиз, эртамизга бўҳтон ёғдириш, Узбекистонимиз, миллатимиз, халқларимиз шаънини булғаш билан беҳаёларча шуғулланмоқдалар. Пашшани фил қилиб кўрсатаётган айрим муаллифлар исму шарифларини, воту вурдаларини яширганларича устимизга палахмондан тош отишмоқда.

«Мегаполис-экспресс» деб номланувчи нашрнинг 20-сонида Рашид Назаров деган кимсанинг мақоласи хусусида шов-шув кўпайди. У «Ислом Каримовнинг Узбеклар иши» сарлавҳаси остида бутун бир саҳифани эгаллаган бўлиб, тирноқ остидан кир излаш, оқни қора, қорани оқ, ростни ёлғон, ёлғонни рост тарзида кўрсатишдек шум ниятни ийалаган.

Алам қиладиган жойи шуки, қалам соҳиби Узбек халқининг бошида қатағон қиличини ўйнатган Анишчев бошлиқ калтакбардорларни мусичадек бегуноҳ этиб кўрсатмоқчи бўлади. Мутлақо кечирилмайдигани эса Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг қайта тикланган учун Узбекистон раҳбарияти кўр-кўрона, саводсизларча айбланишидир. Шу муносабат билан биз кеча халқ депутатлари Жиззах вилоят совети ижроия комитетининг раиси, Узбекистон ССР халқ депутати, қишлоқ хўжалиги фаиляри номзоди **Ултем Зокирович Олимов**га учрашиб, ҳар иккала вилоятнинг қўшилиши ва ажралишидан кўрилган фойдаю зиён, чекилган азобу машаққат, сарсону сарғардонлик ва буларнинг маънавий-сиёсий ҳаётга таъсири хусусида сўралаб беришни сўрадик.

— Озига кучи етмаганнинг ион ейишини кўр, дейдилар. Афсуски, ҳозир бунақалар уруғи сероб. Бояги мақола хусусида ўйласам, халқимизнинг «томдан тараша тушгандак» деган қанотли иборасини эслайман. Аслини олганда Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг қўшилиши марказдан бизга юборилган, кулгиғию мияси халқимизга нисбатан нобакорлик дармондорисига тўлдирилган шахсларнинг республикамиз собиқ биринчи раҳбари бўшбаёвлигидан, миллатимиз манфаатларини сариқ чақага олмаслигидан фойдаланиб, рўёбга чиқарган маккорона сиёсати оқибати эди. Буининг устига кўплаб райолар, вазирликлар, олий ўқув юртларининг филиаллари тугатилиши ёки қўшилиши қанчалик зарар етказганини тасаввур этиш қийин эмас. Биргина икки вилоят бирлаштирилиши туфайли бир йилда республикамизга салкам 100 миллион сўмлик зарофат етди. Қадимий Жиззах ҳувиллаб қолди, қурилиш-ободончаштириш ишлари ўз қолига ташлаб қўйилди. Ажойиб кадрлар ини бузилган қушлардек тарқалиб кетишди, қувғину қирғинга учрашди.

Анишчевнинг энг яқин дўсти, сафдоши, сирдоши Клепиковнинг Сирдарё область партия комитети биринчи котиблигига сайланиши ҳаммани ҳанг-манг этди. Ташкилий пленумда вилоятларнинг қўшилмасдан олдинги раҳбари Ислом Умаровнинг қатнашувига йўл қўйилмади. Чунки унинг нуфузи кучли, обрўси катта эди, коммунистлар Клепиковни қабул қилмасликлари эҳтимолдан холи эмасди.

Мен ўша йиллари Дўстлик район партия комитетининг биринчи котиби эдим. Александр Федорович «ҳукмрон»лиги давом этган бир ярим йил мобайнида биз томонларга бориб-йўлай келди, уч маротаба телефон орқали сўзлашди. Биз вилоятда моҳир раҳбарлар таъқиб остига олинганликларини, миллатчилик уруғи сепилаётганлигини, эркин матбуот озгина пахта тиқилганлигини, клепиковча истибдод салтанати вужудга келганлигини кўриб-билиб юрардик. Афсуски, маҳаллий кадрларда бундай жабр-зулмга қарши бараллв гапириш жасорати етишмади ва бундай жасоратнинг туғилиши ҳам даргумон эди. Негаки Тошкентдаю Москвада, анишчевчиларнинг томирлари анча бақувватлашган, роса чуқурлашганди.

Қарангки, «нижоҳ жойнамози», яъни қўшишу қўштиришлар бошида қовоғидан қор ёғадиган, тилининг учидан заҳар томадиган Огарок турарди. Асли украиналик бу арбоб Фарғона водийси вилоятларини бир муштга тугиб қўйишига сал қолди. Қашқадарё, Сурхондарё, Бухорони қўшиш ғояси (фаросатни қаранг-а!) ўша пайтда Қашқадарё область партия комитетининг биринчи котиби левозимида ишлаган И. А. Каримов аралашмаган тақдирда рўёбга чиқиши турган гап эди.

Тилимизни билмайдиган, қадриятларимизни назарга илмайдиган, ўзбекнинг ҳол-аҳволига парво қилмайдиган «меҳмон раҳбар»ларнинг кўзига Жиззах деган жой бало-қазодек кўриниши ҳеч гап эмас

Бизда иқтисодиёт таназзули энг аввало бошқарувдаги йирик хатолар туфайли рўй берди. Барча кулфатларимиз, қашшоқлигимиз, жисмоний ва маънавий хасталикларимизнинг бойси иқтисодиётни эплаб идора қила билмаслигимиздадир. Халқ хўжалигидаги оғир аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли бутун иқтисодиётни бошқаришнинг янги силсиласини ауждга келтиришдан, бозор муносабатларига мос тушадиган ишлаб чиқариш тузилмаларига эга бўлишдан иборат.

Янгича ишлаш шароитига ўтиш пайтида (айниқса унинг илк босқичида) бозор иқтисодиёти қонунлари системасини яратиш зарур. Айрим ҳужжатларни, айтайлик, «Узбекистон ССРда ишбилармонлик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш билангина чекланиб қолмаслик керак. Гап шундаки, планли-директив бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик тартиботи томонидан йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик лозим. Биз бозор иқтисодиёти ихтиёримиздан холи равишда объектив амал қиладиган ўз қонунларига эга эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Ана шу қонунларни яхшилаб ўрганишимиз, уларнинг ҳукмронлигини, «ирода»сини билишимиз шарт, чунки иқтисодиётни бошқаришнинг бош моҳияти иқтисодий қонунлардан жамият аъзоларининг бахт-саодати йўлида фойдаланишдан иборат. Бироқ бундай қонунларни билиш ёки уларни эгаллашнинг ўзи билангина бозорни бошқариш мумкин, деган хулоса чиқариш нотўғри бўлур эди. Айни пайтда бизга улардан бозор муносабатларини идора қилишда, бошқарувнинг янги силсиласини шакллантиришда фойдаланиш имкониятлари ҳақида билимлар ҳам керак бўлади.

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Бозор иқтисодиётини бошқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуини яратиш зарурати туғилмоқда. Бунда қонун чиқаришнинг дастлабки босқичида битта, иккита ёки учта эмас, балки 30—40 та, сўнгра эса, яъни иккинчи босқичда 300—500 та ҳужжат қабул қилиш масаласи кўзда тутилмоқда. Шундагина бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий давлатни шакллантириш мумкин. Бунинг учун, фикримизча, қуйидаги таклифлар қараб чиқилмоғи лозим.

1. Узбекистон ССРнинг «Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва халқ хўжалигининг қарамсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонунини тайёрлаб қабул қилиш зарур. Маълумки, бу жараёнлар жуда мураккаб кечади. Ана шу йўналишда республикада бошланган иш мол-мулкни хусусийлаштириш тажрибаси бўлмаган ҳамда давлат мулкчилиги ҳукмронлик қилиб турган шароитда амалга оширилмоқда. Ҳоким идоралар асосий ва айланма фондлар, пул маблағлари, хом ашё, материаллар, ускуналар, кўпдан-кўп бошқарув маҳкамаларининг барчасини ўз қўлларида жамлаган ҳолда бутун халқ хўжалигининг тараққиётига, бир маромда юқори томон ҳаракат қилишига тўғаноқ бўлиб турибдилар. Улар эндиликда одамларни ана шу монополияларга «мансуб» бўлиб келган мол-мулкка йўлатмаслик учун жамики имкониятларни ишга солмоқдалар. Демак, халқ хўжалигини бекарам қилиш, мулкчиликни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш жараёнлари қонуний асосларда ҳамда республика ҳокимияти ва бошқарувининг олий идораси — Узбекистон ССР Олий Кенгаши ижозати билан амалга оширилиши лозим.

Узбекистон ССРнинг «Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва халқ хўжалигининг қарамсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонунида бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда бозор муносабатларини моҳирлик билан бошқариш имкониятлари ўз ифодасини топиши зарур. Бу қонун республиканинг мулки ва бойлигини ўмаришга эмас, балки кўпайтиришга, ишлаб чиқаришнинг, биринчи навбатда одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондирадиган тармоқларини бир маромда ривожлантиришга ёрдам берадиган ишбилармонлик сари йўл очиши керак.

Бозор иқтисодиёти амал қилаётган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусийлаштириш устун тармоқларни аниқлаб олиш, бевосита одамлар — жамият аъзоларининг, аҳоли турли табақаларининг эҳтиёжлари, маҳаллий шарт-шароит назарда тутилган ҳолда уларни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ соҳаларга имтиёзлар яратишни тақозо этади.

Бу таклифлар муаллифи кооперативлар, кооператив системалар, акционерлик жамиятлари ва бозор иқтисодиётининг бошқа тузилмаларини ташкил этишда қатнашиб, шундай узил-кесил хулосага келди: халқ мулкининг талон-тарож бўлишига, унинг уйларга ташиб кетилишига йўл қўймаслик учун бундай қонун ниҳоятда зарур. Бу — бир томондан. Иккинчидан эса қонун ишбилармон кишилар учун тадбиркорликни, рақобатни авж олдириш, шу асосда ишлаб чиқаришни бир маромда ривожлантириш, жадал тараққиётни таъминлаш учун кенг уфқлар очиб беради.

2. Товар биржалари, меҳнат биржалари, акционерлик биржалари, товарлар ва хизматларнинг ким ошди савдоси тўғрисида қонунлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш лозим. Бинобарин, ана шу қонунларда мол-мулкнинг муайян қисмини хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичида давлатга фойдали қилиб сотиш тартибини белгилаб қўйиш мумкин. Бундай ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги, биринчидан, бозор муносабатларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаяпти, иккинчидан, турли суиистеъмолликлар рўй беришига, «пинҳоний иқтисодиёт»нинг авж олишига имкон туғдирмоқда.

3. Шунингдек, «Узбекистон ССРда акционерлик жамиятлари тўғрисида»ги қонун ҳам керак. Акционерлик жамияти алоҳида хусусиятли корхона бўлиб, хорижда кенг тарқалган бозор иқтисодиётининг асосий унсури —хўжалик юритишнинг шакли ва усулидир. Бозор муносабатларини бошқариш мурватида ҳам бундай корхоналар муҳим ўрин тутади, чунки улар аҳолининг жамғармаларини қўлга олиб ва ўз фаолиятида фойдаланиб, пулнинг қадрсизланиши пасайишига, давлат ўз маблағларини самарали ишлатишига кўмаклашадилар.

Яккаҳокимликка қарши қонунлар бўлиши керак. Бозор иқтисодиёти мамлакатимиздаги аксарият одамларда кўрқув пайдо қилмоқда. Нега? Бозорни кўпчилик турган-битгани стихияли жараён, бошбошдоқлик, меҳнат кишисини беаёв эзадиган, яккаҳокимлик юзага келадиган ҳамда улар майда корхоналарни ютиб юборадиган жабҳа деб тасаввур этаяпти.

Воқелик эса мана бундай: бозор иқтисодиётини бошқариш, унга ўтиш муаммолари муҳокамаси ҳаддан ташқари чўзиб юборилгани (бунинг устига кўпчилик раҳбарлар бозор иқтисодиётига ўтиш ва фаолият юритиш шароитида халқ хўжалигини идора қилиш усулларидан бехабар бўлганликлари) шунга олиб келдики, биз яккаҳокимликни тугатиш ўрнига унинг ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамламоқдамиз. Устига устак, бозор иқтисодини муваффақият билан бошқариб турган кўпгина йирик капиталистик мамлакатларнинг тажрибасини эса ҳануз қадар инкор этиб келмоқдамиз, чуқур ўрганмаяпмиз ва фойдаланмаяпмиз. Ҳатто инқилобдан аввалги ўз тажрибамизни ҳам чуқур ўрганаётганимиз йўқ.

Бозор иқтисоди амал қилаётган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганган мутахассислар қуйидагиларни таъкидлашди: монополияларнинг ғаразли интилишлари уларнинг ривожланишига қараб истеъмолчиларнинг астойдил норозиликларига сабаб бўлган ҳамда кўпчилик мамлакатларда трестларга қарши қонунлар қабул қилинишига олиб келган. Америка Қўшма Штатлари биринчи бўлиб ана шу йўлдан борган. У ерда 1890 йилдаёқ сенатор Шерман ташаббуси билан қонун қабул қилинган, бу ҳужжат унинг номи билан аталади. Мазкур қонун савдо ва шакллантирувчи монополияларни чекловчи шартномалар, бирлашмалар ва битимларни ҳақиқий эмас деб эълон қилган. Суд амалиёти у ёки бу бозорда товарнинг 50 фоизидан ортиғини сотадиган ҳар қандай фирма, картель ёки трестни монополист деб ҳисоблайдиган бўлган. Бозорда яккаҳокимлик қилишга уринишлар бир йилгача қамоқ ёки катта миқдорда пул жаримаси билан жазоланган.

1914 йилда АҚШда Шерман қонунига қўшимча равишда трестга қарши яна битта ҳужжат — Клейман қонуни қабул қилинди. Унда, агар рақобатни сезиларли даражада бўшаштиришга сабаб бўлса, корпорациялар томонидан бошқа фирмаларнинг акциялари ва активларини сотиб олиш маън этилганди. Шунингдек, қонунни бузишда айбдор деб топилган компаниялар истеъмолчилар «кўрган зарарни уч баравар миқдорда қоплашлари зарурлиги жуда муҳим қоида эди. Яккаҳокимликка қарши қонунлар бозорда самарали рақобат сақланиб туришини таъминлайди.

Ўрта Осиё минтақасида товарлар, маҳсулотлар (жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари), хом ашё ва материалларнинг четга олиб чиқиб кетилишини таъқиқлайдиган ҳукумат ҳужжатлари бирин-кетин эълон қилинди. Аввал Узбекистонда, кейин эса Тожикистон ва Туркманистонда ана шундай қарорлар қабул этилди.

5. Бутун мамлакатимизда бўлгани сингари республикамизда ҳам истеъмол ва овқатланиш маданияти жуда паст, энг кам миқдордаги истеъмол бюджети тушунчаси умуман йўқ, аҳолининг у одамларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, билим олишларини, савдохонликни таъминлаш ҳамда аҳоли маданиятини равнақ топтириш билан бевосита боғлиқ.

Шунинг учун ҳам бу масалалар юзасидан қатор қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Улар бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлайди, истеъмол ва овқатланиш маданиятини кўтаришга, кўплаб бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Булар «Узбекистон ССРда истеъмолчилик ва овқатланиш маданияти тўғрисида», «Узбекистон ССР фуқароларининг энг кам миқдордаги истеъмол бюджети тўғрисида», «Узбекистон ССРда ишсизлик тўғрисида», «Узбекистон ССРда маданият тўғрисида», «Узбекистон ССРда болалик, болаларнинг истеъмол қилишлари ва овқатланишлари, мактабгача тарбия тўғрисида», «Узбекистон ССРда оналик ва болалик тўғрисида», «Узбекистон ССРда никоҳ ва оила, ота-она ва уларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида», «Узбекистон ССРда мактаб ва касб-ҳунар таълими тўғрисида» ҳамда «Узбекистон ССРда уй-жой бозори тўғрисида» деб номланган қонунлар бўлиши керак.

6. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қонунлари мажмуасига мулкчиликнинг турли-туман шакллари ривожланадиган шароитда халқ хўжалигини бошқариш системасининг ўзидаги, жумладан деҳқончилик-саноат комплексини, унинг маҳсулот берадиган кичик комплексларини идора қилишдаги муносабатларни изга солиб турадиган бир қатор қонунлар киритилиши лозим.

Бошқарувга доир қонунларда бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни идора қилиш, бошқарувни ташкил этиш жараёнида вақтни тежаш қонуни — жамоавий ишлаб чиқариш асосидаги биринчи иқтисодий қонундан фойдаланишга (японлар шундай қилишаяпти-ку) оид бўлимлар бўлиши зарур. Булар

Бозор иқтисоди муаммолари

ҲАЁТ ИЛДИЗИ ҚАЕРДАН ОЗИҚЛАНАДИ?

«Узбекистон ССРда иқтисодиётни бошқариш тўғрисида», (ёки «Узбекистон ССРда бозор иқтисодиётини бошқариш тўғрисида»), «Узбекистон ССРда ишлаб чиқаришни бошқариш ва уюштириш усулларининг системаси тўғрисида», «Узбекистон ССРда халқ хўжалигини ахборотлаштириш ва компьютерлаш тўғрисида», «Узбекистон ССРда ҳуқуқий бошқарув тўғрисида»ги қонунлар бўлиши лозим.

Сўнгги қонун ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз. Қайта қуриш йилларида (1986—1988 йилларда) республика ва вилоятларнинг собиқ раҳбарлари томонидан ҳудудий силкитишлар содир этилди, вилоятлар қўшиб юборилди, орадан кўп ўтмай улар яна ажратилди. Масалан, Самарқанд вилоятига Навоий вилояти қўшилган эди. Бироқ (1.000 километр олисдаги марказдан туриб бирлашган вилоятни бошқариш мушкул бўлиб қолгани сабабли) собиқ Навоий вилоятини яна ажратиш, Самарқанд вилоятини аввалги чегарасида қолдиришга мажбур бўлинди. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳам аввал қўшилиб, кўп ўтмай яна аслига қайтарилди. Вилоятлар ичида эса қишлоқ районлари бирлаштирилди, кейин ажратилди, эски маъмурий-ҳудудий бўлимлар ўрнида янгилари ташкил этилди ёки собиқ районлар қайта тикланди.

Шундай қилиб, амалда барча даражаларда тик йўналишда бошқаришнинг имкони бўлмай қолди, у аста-секин барча даражаларда ён томонга қараб кўчди, оқибатда барча районлар, вилоятлар, бутун республика ҳокимияти ва бошқарув шол касалига чалинди. Ҳар бир структуравий силкитишга жуда кўплаб пул кетади. Шунингдек, у бошқарувнинг йўқолишига, идора қилиш системаси пароканда бўлишига олиб келади, бутун халқ хўжалигига катта зиён етказади.

Худди Иттифоқимиздаги каби республикамизда ҳам ҳудудий бошқарув муаммолари ҳамон ечилмай қолмоқда. Шунинг учун ҳам ҳудудий идора қилиш ҳақида қонун ишлаб чиқилиши ҳамда қабул этилиши ниҳоятда зарур. Унинг асосини бирдан-бир принцип — қарор топган маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда идора қилиш, ҳудудлардаги бойликни сақлаш ва кўпайтириш принципини ташкил этиши керак.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ ВА ҚОНУН

Деҳқоннинг истеъмол учун тайёр жамики маҳсулотга эгалик қилиш, уни ўз ихтиёри билан тақсимлаш, пировард маҳсулотни Совет Иттифоқи ҳудудида ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам сўмга ёки чет давлатларнинг валюталарига сотиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Унга қонун йўли билан кафолатланган эркинлик — бошлиқларсиз, кўпдан-кўп текширувчиларсиз, четдан бўладиган аралашувларсиз ишлаш, ўйлаш, фикрлаш, ижод ва ҳалол меҳнат қилиш эркинлиги берилиши зарур.

Қонунда давлат, ҳокимиятнинг маҳаллий идоралари томонидан деҳқонга доимий ёрдам кўрсатиш системаси мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Юқорида айтилганларга асосланиб, деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги йўл-йўриғини шакллантиришга қаратилган бир неча қонун тайёрланиши ва қабул қилиниши зарур, деб ҳисоблаймиз. Масалан, «Узбекистон ССРда деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришини бошқариш системаси тўғрисида» қонун жуда зарур. Унда идора қилиш объекти сифатида деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришнинг мақсади, вазифалари ҳамда ваколат доираси аниқ кўрсатиб қўйилиши керак. Мазкур соҳа мулкчиликнинг турли шакллари асосида интеграцияланган бирлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аниқ турларини ишлаб чиқарувчи мустақил ва ўзига хос система сифатида ривожланиши мумкин. Истеъмол учун тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда тарқатишни ташкил этиш хусусида ўйлаб кўриш лозим. Республика деҳқончилик-саноат ишлаб чиқариши системасида мулкчиликнинг алоҳида шакллари — ўзаро рақобат қиладиган кўпдан-кўп кичик комплекслар, қишлоқ хўжалиги аниқ экин турлари бўйича ихтисослашган системалар ва кичик комплекслар пайдо бўлмоқда.

Қонунда деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришини давлат бошқарувининг ўрин ва ваколат доираси, хўжалик юритишда деҳқонларга ҳукумат томонидан доимий ва изчил ёрдам кўрсатиш зарурати ўз ифодасини топиши керак. Унда зироат аҳлига нисбатан бўладиган зўравонлик, ўзбошимчалик, юқоридан бериладиган ҳар қандай директивалар, қарорлар, фармойишлар, кўрсатмаларни тиқиштиришлар, турли шиорлар билан пардаланган буйруқбозлик қатъиян маън этилиши лозим. Қонунда деҳқоннинг колхоз ёки совхоз таркибидан бемалол чиқа олиш ҳамда меросга қолдириладиган муайян ер майдонларига эга бўлган мустақил деҳқон хўжалигига кириш ҳуқуқи белгилаб қўйилиши зарур.

Зўрлаб жамоалаштиришда йўл қўйилган хатолар тузатилиши керак. Деҳқоннинг бирдан-бир вазифаси— ердан унумли фойдаланиш, декларация ҳамда кейинги йилнинг биринчи ярмида сотилган маҳсулот якунлари бўйича амалдаги даромаддан давлатга натура ҳолида ёки пул билан солиқ тўлаш қонунда белгилаб қўйилиши лозим. Натура ҳолидаги солиқ эса амалдаги ҳосилнинг муайян фоизи билан белгиланган харид нархларида, шунингдек деҳқоннинг ўз декларацияси бўйича олиниши керак. Бинобарин, бир турдаги маҳсулотга битта солиқ солинади.

Деҳқоннинг у ёки бу деҳқон хўжалиги, кооператив тузиш ҳуқуқи, бир неча кооперативга аъзо бўла олиш, ўзи аъзо бўлмаса-да, бошқа кооперативларнинг хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи, ердан унумли, сувдан тежамли фойдаланишда давлат ёрдамидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи, моддий-техника таъминоти ҳамда озроқ ҳақ тўланадиган ёки текин хизматлардан фойдаланиш, чорваси учун ем-хашак олиш, яйловларда мол боқиш ҳуқуқи ва бошқалар қонунлаштирилмоғи лозим. Шунингдек, деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришини жадал режалаштиришнинг, қишлоқ хўжалиги экинларининг муайян турларини 5—10 йил мобайнида парваришлашнинг устун йўналишлари белгилаб қўйилиши, ана шундай устун йўналишларда машғул деҳқонлар, деҳқон хўжаликлари, колхоз ва совхозларни рағбатлантириш омиллари кўзда тутилиши керак.

Уз-ўзидан тушунарлики, қишлоқни битта қонун билан қамраб олиш, ҳамма нарсани унга жамлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам яна бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, яъни қишлоқдаги, бутун деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришидаги жамики муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган қонунлар мажмуасини яратиш зарур. Булар «Қишлоқни ижтимоий ривожлантириш тўғрисида», «Узбекистон ССРда деҳқон ва фермерлик хўжаликлари тўғрисида», «Узбекистон ССРда чорвачилик тўғрисида», «Узбекистон ССРда пиллачилик тўғрисида», «Узбекистон ССРда энг биринчи иқтисодий қонун — деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришида вақтни тежаш қонунидан фойдаланиш тўғрисида», «Узбекистон ССРда деҳқонлар, ишчилар ва қишлоқ зиёлиларининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари тўғрисида», «Узбекистон ССРда деҳқонларни озиқ-овқат билан таъминлаш тўғрисида», «Узбекистон ССР деҳқонларининг ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисида», «Узбекистон ССР деҳқончилик-саноат комплексининг хорижий фирмалар билан қўшма корхоналари тўғрисида»ги қонунлар бўлиши керак.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ САНЪАТИНИ ЭГАЛЛАЙЛИК

Бозор иқтисодиёти ва уни бошқариш системасининг шаклланиши қонун чиқариш даражасини оширишни, депутатлар корпуси, барча тоифадаги депутатлар томонидан бозор иқтисодиёти, объектив иқтисодий қонунлар, қонуниятлар ва уларнинг амал қилиш имкониятлари, ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнларида улардан фойдаланиш йўлларини, бозор иқтисодиётининг ишлаб чиқариш, маданий ва ижтимоий-маиший инфраструктурасини яратиш ҳамда ривожлантириш тўғрисидаги билимлар системасининг барча даражасини эгаллаш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ана шу билимларни эгаллаш заруратн «Узбекистон ССРда халқ депутатларининг ўқуви тўғрисида»ги қонунни қабул қилишни тақозо этади. Бундай ҳужжат республика Олий Кенгаши чиқарадиган қонунлар сифатини яхшилаш, умуман Узбекистонда қонунчилик даражасини кўтариш имконини беради.

Т. ҚОБИЛОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Андижон шаҳар маҳаллий саноат комбинати меҳнат аҳли аҳолининг ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, истеъмол бозорини ҳозир етишмай турган моллар билан таъминлаш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқда. Улар бу йил 2,5 миллион сўмлик харидоргир маҳсулот, шу жумладан сержило хонатлас ишлаб чиқаришни мўлжаллашган.

СУРАТДА: пешқадам тўқувчи Мукаррамхон Қўшоқова. У кунлик режани 125—130 фоиз уддаламоқда.

Ш. АЛИМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАЖАК

ДЕНОВ ШАҲРИДАГИ СУТ ЗАВОДИНИНГ ИШЧИСИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ КАРИМЖОН ТУРСУНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Сиз республика парламентига аъзо бўлган ёш депутатларнинг бирисиз. Айтинг-чи, ёшлар муаммолари сизни ташвишга соладими?

— Шу пайтгача ҳамма нарса болаларга, деб келдик. Ёшларга келажагимиз ворислари сифатида қарадик. Аммо ўзгариб бораётган ҳаёт тартиби буларни чиппакка чиқармоқда. Ёшларнинг турмуши, ҳаёт тарзи билан кам қизиқилаяпти. Жиноятчилик кўпроқ ёшлар ўртасида содир этилаяпти. Нега бундай? Масаланинг илдизи жамиятимиздаги маънавий айниш билан чамбарчас боғланиб кетган. Ҳаётга қизиқиши, эртанги кунга умиди бўлмаган кишидан нимани ҳам кутиш мумкин. Мактаблардаги шароит оғир аҳволда. Олийгоҳларда ҳам қатор муаммолар қалашиб ётибди. Қаерга бош урманг, камчилик устига камчилик. Бу шароитда давримизнинг илғор фикрли, бир кун албатта дунёга таниладиган кишилари етишиб чиқишига ишонгим келмайди. Негадир ўртамиёна ҳаётдан кўпчилик қониқиш ҳосил қилиб, яшаётганга ўхшаб кетаверади.

— Тўғри айтдингиз, аммо депутатларнинг ўзлари ҳам бу масалаларга қизиқиш билан қараётганлари йўқ-ку. Мана сайловдан сўнг 1,5 йилга яқин вақт ўтди. Аммо Узбекистонда ёшларга дахлдор бирор қонун қабул қилинганини йўқ.

— Эътирозингиз ўринли. Бу масала олдинги сессияларда кўтарилди. Ёшлар сиёсатига оид қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани ҳақида гап бўлди. Аммо ҳали ҳеч қандай натижа йўқ. Ваҳоланки мен навбатдаги сессиянинг кун тартибига бу масаланинг ҳам киритилишини жуда-жуда истаган эдим.

— Республика парламентининг бу йиғини олдингиларидан фарқ қилишига, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда туб ўзгаришлар ясашига ишонасизми?

— Йўқ. Бундай кескин фикрга келишимнинг боиси бор: ҳозиргача тўртта сессияда қатнашдим. Тортишувлар, баҳслар, мунозаралар билан қатор қонунлар қабул қилдик. Аммо уларнинг ижроси нима бўлди? Халққа, одамларга фойдаси тегаяптими? Буни ҳеч биримиз ўйлаб кўраётганимиз йўқ. Менинг назаримда қонунларнинг кучи — ҳаётийлигида. Уларни кетма-кет қабул қилаберган билан иш битмайди. Амалий ишларга ҳам енг шимариб киришишимиз керак. Ахир қандай яшаб, қандай кун кечираётганимиз эртак эмаску.

— Депутатнинг баҳосини халқ беради. Ҳозир ишламайдиган депутат киму, ишламайдигани ким, одамлар яхши биларкан. Сиз ўзингизни уларнинг қайси бирига мансуб деб ҳисоблайсиз?

— Ҳар ҳолда иккинчисига эмас. Эҳтимол, бу эриш туюлар. Лекин депутатлик ҳаловат эмас экан. Унинг ортидан бўладиган эътирозу таъналарга ўрин қолдирмаслик учун эл-юртга холис хизмат қилиш зарур. Ахир сайловчилар бизни шу мақсадда сайлашганку. Улардан тушган наказларни баҳоли қудрат бажараяпман. Денов шаҳри марказида XIV аср ёдгорлиги бор. Уни Сайид ота мадрасаси деб аташади. Ҳозир мадрасани таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Бухородаги «Усто» бирлашмаси билан ўтган йили шартнома тузилган эди. У ердан келган усталар харобага айланиб қолаёзган мўътабар даргоҳга файз киритишмоқда. Яна бир наказим шаҳарлик ёшларни уй-жой билан таъминлашда уларга ёрдам кўрсатишдан иборат. Денов-даги олтита йирик корхона ишчиларининг кўпчилиги билан шаҳарда ёшлар турар жой комплексини барпо этиш масаласини ҳал қилиб қўйдик. Шу мақсад учун Сурхондарё вилоят советига 5,5 гектар ер ажратишини сўраб хат орқали мурожаат этганмиз. Жой ажратиб берилса бас; ҳар бири 56 квартирали 6 та уй қурилиши бошлаб юборилади.

— Сўнгги савол: депутатликни ҳавас қилганларга нима дея оласиз?

— Депутат бўлишга ҳавасинг ўзи кифоя қилмайди. Унга меҳру муҳаббат, садоқат билан қараш керак. Эл ишига, юмушига доимо ҳозиру нозир туриш жоиз. Бу — халқининг эртасини ўйлайдиган, унга куч-қувватини, билимини бағишлайдиган кишиларнинггина қўлидан келади.

Суҳбатдош: Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўшдан ЭШИТИНГ

ХИТОЙГА ҲАВО ЙЎЛИ

ХИТОЙ Халқ республикаси Синьцзянь-уйғур мухтор райони чет эл саёҳатлари бошқармаси директорининг ўринбосари Сун Бо Тен бошлиқ делегация Ўшга ташриф буюрди. Асосий мақсад вилоятимиз билан Қашқар воҳаси ўртасида ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантириш, бордиқелдини ўрнатишдир.

— Бунинг учун, аввало, Ўш-Қашқар ҳаво йўлини очиш, Бишкек ва Ўш шаҳарлари қўналғаларида божхона хизматини ташкил этиш зарур, — дейди Сун Бо Тен.

ШИФОБАХШ ТАСВИРЛАР

Ўш шаҳридаги ёлғиз қарияларга хизмат кўрсатувчи марказда ўзгача бир кўргазма ташкил этилиб, унда Андижон вилояти Ленинск шаҳрида истиқомат қилувчи табиб Елена Чеботареванинг шифобахш рангтасвирлари намойиш қилинди.

Е. Чеботарева бу ерга марказ маъмуриятининг таклифига биноан ташриф буюриб, ўзининг фитологография усули, яъни биоэнергия билан нурланган рангтасвирларни намойиш этиш йўли билан даволаш қобилиятига эга эканлигини исбот қилди.

Учрашув қатнашчиларининг гувоҳлик беришларича, қариялар муолажа ўтказилган дастлабки кунларда ўзларини бироз яхши ҳис эта бошлаганлар.

Раҳим КАРИМ, «Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанддаги «Красний двигатель» заводи қошида кичик корхона ташкил этилгач, «Жигули» ва тракторларнинг эҳтиёт қисмлари қаторида «Икарус» автобуслари учун гильза ҳамда поршень ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда ҳозир малакали усталар меҳнат қилишаяпти. Уларнинг кучи билан ойига 2.000 тагача ана шундай ноёб маҳсулот тайёрланмоқда.

СУРАТДА: илғор чилангар Александр Тагиров ўз меҳнатининг маҳсулидан мамнун.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

10 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда республикани ривожлантиришнинг бир қанча ижтимоий-иқтисодий масалалари муҳокама қилинди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошқарди.

Мажлис қатнашчилари республика бошига тушган табиий офат оқибатларини тугатишда ёрдам бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Маълумки, май ойида ва июннинг бошларида Ўзбекистоннинг деярли барча минтақаларида вайронгарчилик келтирувчи селлар, тошқинлар, довулли шамоллар бўлиб, жала қуйди ва дўл ёғди. Шунинг оқибатида минглаб турар жой бинолари ва ишлаб чиқариш иншоотлари, ўнлаб кўприклар, кўплаб километр йўл қопламаси, электр ва алоқа симлари, ирригация тизимлари тўла ёки қисман вайрон бўлди.

Республика қишлоқ хўжалигига жуда қаттиқ зиён етди. Юз минглаб гектар экинзорлар, боғ ва токзорлар, қишлоқ меҳнатчиларининг шахсий томорқа участкалари табиий офат зарбасидан зарарланди. Чорвачиликда ҳам анчагина нобудгарчилик содир бўлди.

Об-ҳаво ноқулайликлари республикага етказган жами зарар 300 миллион сўмдан ошади, деб тахмин қилинмоқда.

Табиий офат оқибатларини тугатиш учун деҳқонлар катта майдонлардаги кўпгина экинларни қайта экишга мажбур бўлдилар, қўшимча одамларни ва моддий ресурсларни, машина-механизмларни ишга солдилар, минерал ўғит ишлатдилар. Вайрон бўлган иморатларни тиклаш учун кўпгина қурилиш-монтаж бўлинмалари юборилди. Шикастланган районларнинг аҳолисига моддий ва бошқа ёрдам берилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулоти ва кийим-бош билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ҳукумати вазиятни тезроқ барқарорлаштириш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрди. Республика идоралари қайта тиклаш соҳасидаги ҳамма ишларни мувофиқлаштириб турибди. Офат рўй берганидан кейиноқ азият чеккан барча оилалар 300 сўмдан нафақа олдилар, бу ишга 50 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилди. Уй-жойларни қайта тиклашга қарз бериш учун яна 100 миллион сўм ажратилди.

Табиий офат зарбаларининг оқибатлари билан СССР Бош вазири В. С. Павлов танишди, шунинг натижасида СССР Вазирлар маҳкамаси «Табиий офат оқибатларини тугатишда Ўзбекистон ССРга ёрдам бериш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шу қарорга биноан вайрон бўлган уй-жой ва ижтимоий-маиший иморатлар ўрнига янгисини қуриш учун Ўзбекистонга 360 миллион сўм ажратилди. Республика зарур ҳажмдаги моддий-техника ресурслари ва озиқ-овқат олади. Бундан ташқари тузатиш-тиклаш ишлари учун 80 миллион сўм, шунингдек чел элларда ишлаб чиқарилган 10 та ғишт заводи, иккита цемент заводи учун асбоб-ускуна, катта кесимли қувурлар ажратилди. Молия соҳасида баъзи енгилликлар берилди, шу жумладан колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг экинларни қайта экиш учун қилган амалдаги чиқимлари ўрнини қоплашга қайтиб олмаслик шарти билан пул бериладиган бўлди.

Бинобарин, республикадаги табиий офат оқибатларини тугатиш учун куч ва воситалар бор. Бир қанча вилоятларнинг раҳбарлари қайта тиклаш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида мажлис қатнашчиларига ахборот бердилар.

Республика Вазирлар маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони лойиҳаси кўриб чиқилди.

Республика деҳқончилик фани соҳасида катта салоҳият тўпланганлиги қайд этилди. Бироқ тарқоқлик, олимларнинг ишини мувофиқлаштиришга ва пул билан таъминлашга қодир бўлган ягона марказнинг йўқлиги сабабли кўпинча шу салоҳиятдан тўла-тўкис фойдаланишнинг имкони бўлмаяпти. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг барпо этилиши бу соҳадаги фундаментал ва амалий ишланмаларни самаралироқ олиб боришга, республика олимларининг мамлакатдаги ва дунёдаги нуфузини оширишга ёрдам беради. Аммо бунинг учун даставвал пухта ташкилотчилик ишини ўтказиш, академия ва унинг барча бўлинмаларини барпо этиш соҳасидаги биринчи галдаги вазифаларни режалаштириб олиш зарур.

Вазирлар маҳкамасининг мажлисида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва республика аҳолисини шу маҳсулот билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Деҳқончилик-саноат мажмуининг одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги иши самарадорлигини ошириб, мазкур муаммони пухта ишлаб чиқишни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис қатнашчилари республика ташқарисига мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш соҳасида «Узплодоовощвинпром» концерни ва «Узкоопзаготторг» бирлашмасининг бўлинмалари тузган шартномаларнинг иқтисодий асосланганлигини ҳам таҳлил этдилар.

Ҳозир шундай маҳсулотларни етказиб беришнинг анчагина ҳажмлари Ўзбекистон учун манфаатли бўлмаган шартлар асосида амалга оширилмоқда. Моллар мутлақо етишмай турган бир вазиятда мева-сабзавот маҳсулотлари кўп ҳолларда бошқа минтақаларга фақат пулга сотилмоқда. Шундай қилиб, товар-материал ресурслари билан мустаҳкамланмаган маблағ тўпланиб қолмоқда.

Республикага зарур бўлган молларни муқобил етказиб беришни ҳисобга олмай, шартномалар тузилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблашга қарор қилинди. Тегишли ташкилотларга мева ва сабзавот эвазига Ўзбекистонга гўшт, сут маҳсулотлари, болаларга аталган моллар, бошқа камчил маҳсулотлар имкони борича кўпроқ юборилишини таъминлаш учун шартномаларнинг шартларини қайта кўриб чиқиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР прокуратурасининг Тошкент область Жигаристон қўрғонидаги табиий офат (ер кўчиши) тафсилотларини текшириш натижалари тўғрисидаги хати ўқиб эшиттирилди. Ангрен шаҳрининг маъмурлари табиий офат эҳтимоли борлиги тўғрисида бир неча бор огоҳлантирилганлигини ўтказилган текшириш кўрсатди. Шаҳар ижрокомининг вакиллари Жигаристон аҳолисини вужудга келган хавф-хатардан огоҳ қилиш учун у ерга борганлар. Аммо улар зарур даражада сабот ва қатъият кўрсатмаганлар.

Шундай қилиб масъул шахсларнинг ҳаракатларида жиноят нишонаси йўқ, бироқ улар бепарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйганлар, натижада фожиа содир бўлган. Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамаси аъзоларининг қарорига кўра, бунда айбдор бўлган шахслар муносиб тарзда жавоб берадилар.

(ЎзТАГ).

Хабарлар оқимидан

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ ҚАЛАМКАШЛАР ХАБАР БЕРИШАДИ

ПОСБОНЛАРНИНГ «ПОСБОН»И БОР

ФАРҒОНА вилоятида чоп этилаётган нашрлар сони яна биттага ортди: ички ишлар бошқармасининг ахборотномаси «Посбон» номи билан ойда бир марта чиқа бошлади. У милиция ходимларининг серташвиш ҳаёти, масъулиятли фаолияти, олижаноб ўй-фикрлари, орзу-армонлари, дарду ташвишларини акс эттириб боради.

— Ҳозирча жамоатчилик асосида ишлаяпмиз, — дейди ахборотнома муҳаррири, ички ишлар бошқармаси масъул ходими Муҳаммадрасул Кимсанбоев. — Халқ депутатлари вилоят совети ижроия комитети маблағ манбаи ва штатларимизни тасдиқласа, ахборотномани ҳар ҳафтада чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Ҳозирча бир галги тиражимиз 4.000 нусхадан иборат. Уни Боғдод райони босмахонаси жамоаси кўнгилдагидай чоп этмоқда.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

ЖАЛОЛОБОДДА КЕНГАШ

ЯНГИ ташкил этилган Жалолобод вилоят давлат хавфсизлиги комитети ўзининг дастлабки йиғилишини ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларининг минтақавий кенгашини ўтказишдан бошлади. Унда Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш ва Жалолобод вилоятлари адлия, ички ишлари, давлат хавфсизлиги комитетларининг раҳбарлари, етакчи ходимлари иштирок этдилар. Анжуманда Фарғона водийсида осойишталикни сақлаш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, дўстлик, қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш каби масалалар муҳокама этилди. Тўпланганлар Фарғона водийси меҳнаткашларига қарата мурожаатнома қабул қилдилар.

Раҳим КАРИМ.

ҒАЛЛАОРОЛНИНГ УЗ НОНИ БУЛАДИ

ЖИЗЗАХ дон маҳсулотлари бирлашмаси ўз кучи билан тегирмон қуриб, ҳар куни 100 тонна «Ўзбекистон» навли ун тайёрлашни йўлга қўйди. Энди эса бирлашма ўз тажрибаларини Ғаллаорол районида жорий этмоқда. Янги тегирмон Ғаллаорол элеваторининг бўш ётган майдонида ўрнатилади. Уни 62 МПМК курса, дастгоҳларни дон маҳсулотлари бирлашмаси ўрнатиб ишга туширади.

Янаги йил шу пайтда Ғаллаорол унидан тайёрланган нонни аҳолига тортиқ қилиш мўлжалланмоқда.

А. РАСУЛОВ.

НАМАНГАНГА ЁРДАМ

Эл бошига иш тушса, ҳеч ким четда қолмайди — қурби етганча ҳиммат қилади. Қизил Ярим ой жамияти мушкул вазиятларда ҳамиша ёрдамга биринчи бўлиб ошиқади. Наманганликлар бошига кулфат ёғилганда ҳам одатига кўра жабрдийдалар дардига шерик бўлди. Марказий комитетимиз табиий офатдан зарар кўрганларга 130 минг сўм ажратди. Шу ҳисобдан Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Чортоқ, Косонсой районларидаги 360 оилага 200 сўмдан 500 сўмгача ёрдам берилади.

Қардошларимиз ҳам қараб туришмаяпти: Туркманистон Қизил Яримой, Қирғизистон Қизил Яримой ва Қизил ҳоч жамиятларидан моддий кўмак келди.

Р. САМИГУЛЛИНА,
Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти марказий комитети бўлим бошлиғининг муовини.

ФАЛСАФИЙ УНДОВ

ИММАНУИЛ КАНТНИ ЎҚИБ ВА УҚИБ

Азиз муштарий, сиз бундан икки юз эллик йил муқаддам яшаб ижод қилган машҳур немис файласуфи Иммануил Кант асарлари орасидан айнан шундай мактубни қидириб юрманг. Топа олмайсиз. Бу хатни мазкур олимнинг «Боқий тинчлик сари» трактатида баён қилинган инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ҳақидаги беназир ғоялари асосида туғилиб, бадиий ранг берилган ҳамда кенг омма тушуниши осон бўлган кичик бир фалсафий асар, деб баҳолашингизни сўраймиз.

Ҳозирги пайтда Иттифоқ шартномасига бефарқ қарайдиган одамни топиш қийин бўлса керак. Рўзнома ва ойномалар, радио ва телевизор орқали хилма-хил фикрлар айтилаяпти — баъзилар уни бутунлай маъқуллашса, бошқалар мутлақо рад этмоқдалар. Бундай аҳволда оддий одам ўзини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Мен ҳам шартномага тўғри баҳо бериш мақсадида ўтмиш олимлар — Цицерондан тортиб то Ленингача — қолдирган асарларини ўқий бошладим, зора бирорта яхши фикр чиқиб қолса деб. Худо ишимни ўнгидан келтирди шекилли, бир кун қўлимга бундан 250 йил аввал Олмонияда яшаган машҳур файласуф Иммануил Кантнинг «Абадий тинчлик сари» деб аталган китоби тушиб қолди. Уни ўқир эканман, оддий китоб эмас, балки келажак авлодларга ёзилган хат сифатида қабул қилдим.

«Мўътабар жаноблар! Сиз менинг мактубимни 200 йиллардан кейин ўқийсиз. XX асрнинг охирига бориб кўп халқларни бирлаштириб, катта давлатга айланган сизнинг мамлакатингиз қаттиқ инқирозга учрайди, айрим бўлакларга бўлиниб кетиш ҳолатига келади. Ана шундай шароитда баъзилар эски Иттифоқни сақлаб қолишга интиладилар, айримлар халқларнинг бутунлай мустақил бўлишларини талаб қила бошлайдилар, бошқалар эса эски системанинг у ер бу ерини тузатиб, пардозлаб, ҳаммани қониқтирмоқни истайдилар, халқлар ўртасида низолар туғилади. Ана шундай хавфли шароитнинг олдини олай десангиз, Иттифоқ масаласи бўйича тегишли сиёсатни тўғри тушунишни истасангиз, менинг сизга ёзган мактубимни ўқинг, умид қиламанки, у сизга ўз халқингиз олдидаги бурчингизни бажаришга ёрдам беради».

Юқоридаги гапларни ўқиб, жудаям ҳаяжонланиб кетдим, эй худо, деб ўзимча хитоб қилдим, наҳотки сен бизга ёрдам қўлини чўзаяпсан! Мактубга бўлган қизиқишим ўн чандон ошиб, уни ўқишда давом этдим:

«Жаноблар, гапнинг лўндасини айтиб қўяқолиш учун фикрларимни бир неча қисмларга бўлиб келтираман:

«1. Агар тинчлик битими тузилса ва унинг асосида келажакда содир бўлиши мумкин топиладиган янги урушнинг уруғи сақланган эрса, бундай битимни тинчлик битими деб аташ ярамайди.

Акс ҳолда у тинчлик эмас, вақтинча тузилган сулҳ ҳисобланади, уруш ҳам вақтинча тўхтаган бўлади, чунки тинчликнинг асл маъноси ўзаро душманликнинг батамом йўқолишини англатади. Тинчлик битими келажакда алангаланиши эҳтимол тутилган урушнинг ҳамма сабабларини йўқотади, баъзи сабаблар ўша пайтда битим тузаётган тарафларга ҳаттоки номаълум ҳам қолиши, келажакда улар архивдаги ҳужжатлардан усталик билан топилиши мумкин».

Ўртоқ депутатлар, англадингизми, Иммануил бобо сизга нима демоқчи бўлаяпти? Тушунишим бўйича у, жаноб депутатлар, Иттифоқ шартномасини муҳокама қилаётганингизда қарама-қарши маънога эга бўлган тушунчалар ва келажакда низоларга олиб келадиган ғояларни чизиб ташланг, деяпти. Кант ўз мактубини давом эттириб яна ёзади:

«2. Ҳеч қандай мустақил давлатни (кичкинами, каттами — бунинг фарқи йўқ) бошқа бир давлат мерос сифатидами, алмаштириш, сотиб олиш ёки ҳадя сифатидами қўшиб олиши таъқиқланади. Ҳамма гап шундаки, давлат мол-мулк деган нарса эмас. Масалан, давлат жойлашган ерни мулк деб қараш мумкин, давлатнинг ўзи эса мулк бўла олмайди. Давлат одамларнинг уюшмасидир. Одамларга буйруқ бериш, уларнинг устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига фақат шу давлатнинг ўзи эгадир. Шунинг учун бу давлатни бошқа давлатга қўшиш (илдизи бор шохни бир новда каби пайванд қилгандек) мустақил бир шахсни йўқ қилиб юборишнинг ўзи деб қаралиши мумкин. Шундай экан, бу мустақил шахс гўё жонсиз бир жисмга айлантирилгандай гап. Бу аҳволда, юқорида айтилган ғоя бўйича, ўз халқига раҳбарлик қилиш тўғрисида ўйламаса ҳам бўлади.»

Ўз суверенитети тўғрисида декларация эълон қилган республикалар Иттифоққа аъзо бўлишлари душвор, агар бу Иттифоқ ўзини мустақил давлат деб ҳисобласа. Иттифоққа фақат ўз суверенитетидан воз кечган республикаларгина аъзо бўлиб киришлари мумкин. Бир суверен давлатнинг ичида яна бир бошқа суверен давлатнинг умр кўриши ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайдиган нарсадир. Иттифоқ ўзини алоҳида мустақил давлат деб ҳисобламаса, у ҳолда Иттифоққа кирган республикалар ўз суверенитетларини сақлаб қолишлари мумкин. Тагзаминли бу хулосадан ўз навбатида яна бошқа мантиқ келиб чиқади. Бас, бизнинг Иттифоқ мустақил давлат бўлиши эҳтимолдан холи экан (чунки республикаларнинг мустақиллиги Иттифоқни уюштиришнинг энг асосий шартидир), демак у ўз навбатида федерация ҳам бўлиши мумкин эмас. Федерация шундай бир давлатки, унинг таркибига кирганлар ўз ҳуқуқларининг анчагина қисмини Иттифоққа (ёки марказга) беришга мажбур. Бу эса республикалар мустақилликларини ўз-ўзидан йўқотишларига олиб келади. Демак, бизнинг Иттифоқ ўз келажаги учун бошқа йўлларни қидириши керак. Шундай йўллардан бири конфедерациядир. Конфедерация ўзига хос консультатив ташкилот бўлиб, президентлар кенгаши раҳбарлигида ишлаши мумкин. Конфедерацияда республикалар президентлари устидан туриб ҳукм чиқарадиган Иттифоқ президентига эҳтиёж сезилмайди, Иттифоқ Конституцияси, Иттифоқ ҳудуди, прокуратураси, Иттифоқ қонунлари ва бошқа тушунчалар ўз-ўзидан керак бўлмай қолади.

Юқоридаги фикрларга келар эканман, яқинда бўлиб ўтган референдумни эслаб, ўзимни койий бошладим. Бир ўйлаб кўринг, ахир мен референдумда Иттифоқни (федерацияни) сақлаб қолиш учун овоз берган бўлдим. Қандай қилиб алданганимни билмай қолдим. Лекин қўшимча, республика референдумини хотирлаб, ўзимни бироз енгил ҳис қилдим. Ахир мен бу референдумда республикамизнинг федерация таркибида суверен бўлиши учун овоз бердим-да! Шуларни эслаб яна ўйга толдим. Демак, агар мен федерация таркибида қолишимиз учун овоз берган эканман, бу ҳолда ҳам ўз суверенитетимга қарши чиқибмен. Нима қилиб қўйганимни тушуниб, фикрим чувалашди.

Гапнинг очиғи, Иммануил Кантдан бироз хафа бўлдим. Агар у ўз мактубини ёзмаганда ва мен уни ўқимаганда бош оғриғисиз юрган бўлардим. Турган гапки, Иттифоқ ва республика референдумларида мен учун ғалати, туманли саволларни тайёрлаган одамлар ҳозир менинг устимдан кулиб, ялло қилиб юришган бўлсалар керак.

Иммануил Кантнинг мактубини ўқишни давом эттирамиз. У халқлар ўртасида тузиладиган тинчлик битимларига, иттифоқларга ижобий ёндашади ва шундай деб ёзади: «Ҳар бир давлатнинг халқини маълум мустақил одам деб қараш мумкин. Бундайлар ўзларининг табиий ҳолатларида (ташқи қонунларни ҳисобга олмаганда) бирга яшар эканлар, бир-бирларининг ҳуқуқларини бузишга мажбур бўладилар. Шундай экан, ҳар бир киши ўз хавфсизлигини ўйлаб, биргаликда қандайдир гражданлик тузумларига (уюшмаларга) киришни бошқа одамлардан талаб қилишга мажбурдир. Албатта, бундай тузумларда ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари таъминланган бўлади. Бундай тузум (ёки келишув) халқлар Иттифоқидир, аммо халқлар давлати бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда зиддиятли ҳолат юзага келади. Чунки ҳар қандай давлатнинг асосида қонун чиқарувчи олий маҳкама ва унга бўйсунувчи қуйи табақа (халқ)нинг ўзаро муносабати ётади. Давлатдаги халқлар эса бирлашиб, фақат халқни ташкил қилиши керак бўлади, бу эса дастлабки фикрга қаршидир (ҳар бир халқ алоҳида бир давлатни ҳосил қилади ва бу халқлар бирлаштирилиб, бошқа бир янги давлат ташкил этилиши мумкин эмас).

Биламизки, ёввойи қабилалар ҳеч қандай қонунга асосланмаган озодликка интиладилар, улар маълум қонунларга таянган тартибга бўйсунишдан кўра бир-бирлари билан тинимсиз урушиб, жанг қилиб юришни афзал кўрадилар. Демак, улар телба озодликни қонун билан асосланган озодликдан устун қўядилар. Евройиларнинг бу ҳаётини қоралар эканмиз, қуйидаги фикрга келишимиз керак эди: маданиятли халқлар (ҳар бир халқ — мустақил давлат сифатида) шошилинч равишда бирлашишга интилишлари керак. Бунинг ўрнига ҳар бир давлат ўз суверенитетини ташқи қонуний чекланишларга бўйсунмасликда деб тушунади (халқ суверенитети — маънисиз тушунча), давлат бошлиғининг обрўси эса унинг қўл остидаги минглаб одамларни жазо олишдан қўрқмасдан уларга алоқаси йўқ иш йўлида қурбон қилиб юбора олишидадир».

Кўриб турибсизки, кўпчилигимиз учун Кантнинг юқоридаги фикрлари кутилмаган кашфиёт бўлса керак. Демак бизнинг Иттифоқ халқлар Иттифоқи бўлиши шарт, лекин халқлар давлати эмас. Акс ҳолда келажакда низоларга олиб келадиган зиддиятлар сақланиб қолар экан. Ўз ҳаётини республикамизнинг суверенитети учун бағишлаган депутатларга эса Кант суверенитет тушунчасининг илмий фалсафий таърифини берган. Энди биз биламизки, ҳар қандай давлатни, агар у ўз ички ишларини бажаришда ташқи қонунларнинг дўқ-пўписасига бўйсунмаса, бошқа давлат таркибига киритилмаган бўлсагина суверен (мустақил) давлат деб аташимиз мумкин.

Юқорида келтирилган тагзаминли билимларга эга бўла туриб, парламентимиз Иттифоқ шартномасининг эскиси ва янгиси Али Хўжа — Хўжа Али эканлигини осонгина тушуниб олиши мумкин. Иккаласи ҳам барча республикаларнинг суверенитетини «муваффақият» билан бузади. Шунинг учун республикаларнинг ўзлари йиғилиб, бутунлай бошқа ҳамкорлик шартномасини тузганлари яхши эмасмикин? Фақат шундагина мамлакатимиз халқлари ҳақиқий озодликка чиқиб, замонавий давлатлар эришган тараққиёт йўлига киришлари мумкин.

Шундай қилиб, депутат ўртоқлар, халқимизнинг тақдири, республикамизнинг суверенитети сизнинг қўлингизда. Иттифоқ шартномасини муҳокама қилаётганда шуни унутмангки, ҳар қандай халқ фақат озод бўлсагина ривожлана олади, ижод қила олади, ўзини муҳофаза эта олади. Озодликни эса ҳеч қандай республика (шу жумладан Россия ҳам) суверенитетга эришмасдан қўлга киритолмайди. Муҳокама пайтида марказ республикалар ўз суверенитетининг қанча қисмини бизга беради, деб савол қўйса, бундай саволни тамоман рад қилинг, суверенитетнинг ҳеч қандай қисми, бир ушоғи ҳам унга берилиши мумкин эмас. Акс ҳолда у суверенитет бўлмайди. Суверенитет ёки бутунлай ўзимизда бўлади, ёки ундан батамом ажраб қоламиз...

Иммануил КАНТнинг мактубини шарҳлаб оққа кўчирувчи: физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлимининг лаборатория мудири

Маъруф ҚОСИМЖОНОВ.

КОМИТЕТЛАР МАЖЛИСИ

10 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Мудофаа, Давлат хавфсизлиги ва Ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Бухоро ва Фарғона вилоятларининг умумий таълим мактабларида, билим юртлари ва техникумларида армияга чақириладиган йигитларни тайёрлашнинг аҳволи тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Вилоятларнинг ижроия комитетларига ўқув юртларида йигитларни армияга чақирилгунча тайёрлашни ташкил этиш соҳасидаги камчиликларни жуда қисқа муддатда тугатиш ва бу ишни тубдан яхшилаш тавсия этилди.

Қатағон йилларида қонунга хилоф равишда ҳукм қилинганларни оқлаш қандай бораётганлиги тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Олий суди ва прокуратураси раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлашга ва «Қатағон йилларида қонунга хилоф равишда ҳукм қилинганларни оқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳасини тайёрлашни шу гуруҳга топширишга қарор қилинди.

Мажлисда комитетнинг байналмилалчи жангчилар ишлари билан шуғулланувчи комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

11 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг мажлиси бўлди.

Комитетнинг «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўрта Осиё темир йўлининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий советлари билан ҳамжиҳатлиги даражасини ошириш тўғрисида»ги қарори ҳамда комитет билан Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамасининг «Шаҳар йўлларида қатнайдиган автобуслар ва электротранспорт ҳайдовчиларини пенсия билан таъминлаш юзасидан имтиёзлар белгилаш тўғрисида»ги қарорлари қандай бажарилаётгани хусусидаги масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда комитетнинг ярим йиллик иши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

• • •

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги комитетининг мажлисида Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида Ўзбекистон ССРнинг «Ер тўғрисида»ги қонуни амалда қандай қўлланилаётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Депутатлар бир қанча мулоҳазалар, таклифлар ва истаклар билдиришди.

Комитетнинг «Жиззах вилояти халқ депутатлари маҳаллий советларининг колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва фуқаролар шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга доир ишлари тўғрисида»ги 1990 йил 15 август қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала илгари қабул қилинган қарорларни назорат қилиш тариқасида кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди деган ҳикматни милиция майори Шукрулло Рўзматов ўз ҳаётида синовдан ўтказди. Икки йил ҳибсда азоб чекди. Адолат тантана қилди, аввалги ишига — БХСС бўлими бошлиғи вазифасига тикланди. Ҳозир у Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи.

СУРАТДА: Ш. Рўзматов автоназоратчи Султонбой Қўчқоровга жиноятчилик ва тартиббузарликка қарши курашдаги муносиб хизматлари учун ташаккур билдирмоқда.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ЁДЛАБ ОЛИНГ

ЖОНИМ АРО УТ ЛАЪЛИ СУХАНДОНИНГ УЧУН,
ЮЗУМ УЗА ҚАВКАБ МАҲИ ТОБОНИНГ УЧУН,
КУКСУМДА АЛИФ САРВИ ХИРОМОНИНГ УЧУН,
СЎЗЛАБ, ЮЗ ОЧИБ КЕЛ БУ ТАРАФ ЖОНИНГ УЧУН.

ДОРИШУНОСЛАР ДАВРАСИДА НАВОИЙХОНЛИК

Ҳаяжонли бу уч кун институтимиз профессор-ўқитувчилари, талабалари ва хизматчилари ёдида узоқ вақт сақланиб қолса ажаб эмас. Ҳазрат Навоийнинг таваллуд топганига 550 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган илмий анжуман буюк бобокалонимиз адабий меросига муҳаббат, ўтмишда яралган қадриятларимизни эъзозлаш ифодаси эди.

Конференцияга институт талабалари илмий жамияти аъзолари ташкилотчилигида катта тайёргарлик кўрилди ва у икки босқичда ўтказилди. Биринчи даврa талабалар фанларни қандай ўзлаштирганликлари, бўлажак мутахассисларнинг фикр доираси, соҳа муаммолари ечимига ёндашувлари, мустақил тадқиқот олиб бориш кўникмаларининг ўзига хос кўригига айланди. Қатнашишга розилик билдирган толиби илмларнинг маърузалари ўз мазмуни ва йўналишларига кўра тўрт гуруҳга бўлинди: доришунослик, тиббиёт ва биология, кимё, ижтимоий фанлар.

Анжуман 2-курс талабалари И. Каримова ва Ш. Аҳмаджоновнинг «Алишер Навоий — буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва донишманди» деган мавзудаги маърузаси билан бошланди. Сўнгра гуруҳлар бўйича чиқишлар бўлди. Доришунослик гуруҳида маърузаларнинг ўттиз олтитаси 5-курс талабаларининг диплом иши қимояси шаклида, давлат имтиҳон комиссиясининг иштирокида ўтказилди. Бу ишларда ҳозирги замон доришунослиги ва тиббиётининг муҳим масалалари ёритиб берилди. Бошқа гуруҳларда ўтказилган маърузалар ҳам ўз мазмуни, кўтарилган муаммолари билан кўпчиликка маъзур бўлди.

Анжуманни тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этган талабалар диплом, ёрлиқ, китоблар ва бир ойлик стипендия билан рағбатлантирилди. Улар орасидан Ш. Қобилова, Ҳ. Шоймардонов, У. Эгамов, С. Травицкая ва бошқаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз.

Илмий йиғин навоийхонлик баҳрул байтига уланиб кетди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси адабиёт институтининг бир гуруҳ олимлари билан қизиқарли учрашув бўлди. Е. Аҳмедов, С. Ғаниева ва М. Мирзаҳмедова ўз маърузаларида навоийшунослик фанидаги янги кашфиётлар ҳақида сўз юритишди. Пировардида институтимиз талабалари иштирокида тайёрланган театрлаштирилган кўрсатув намойиш этилди.

Илмий анжуманнинг мазмундор ва қизиқарли ўтишида ташкилий комитет аъзолари — тиббиёт фанлари доктори Х. Алиева ва кимё фанлари номзоди С. Насриддиновнинг хизматлари катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Юбилейга бағишланган тадбирларимизнинг асосий қисми якунланган бўлса-да, бугунги кунда давлат мақомини олган она тилимиз хазинасига катта ҳисса қўшган, ғазал мулкининг султони саналмиш улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг битмас-туганмас меросини ўрганиш, унинг ижодини ташвиқ тарғиб қилиш давом этаверади.

А. АЛИМОВ,
Тошкент доришунослик институти комсомол комитетининг котиби.

Эслатув

ФОЗИЛ ЙЎЛДОШНИ УНУТМАЙМИЗ

Маълумки, Фозил Йўлдош ўғли ўзбек халқ оғзаки ижоди хазинасини ўзининг кўплаб дурдоналари билан бойитган катта сўз устаси эди.

1992 йилда унинг таваллуд топганига 120 йил тўлади. Шу муносабат билан район совети ижроия комитети махсус қарор қабул қилиб, ушбу санани шоирнинг ватанида тантанали нишонлаш режаларини тузди. Шунга биноан бахши ҳаёти ва ижодига бағишлаб рўзномаларда туркум мақолалар бериш, мактаблар, бошқа жамоат жойларида китобхонлар йиғилишларини ўтказиш, унинг номидаги хиёбонда уй-музейи ташкил этиш, Фозилбобо номли 2-ўрта мактаб ҳовлисида унинг бюстини ўрнатиш сингари кўплаб хайрли ишлар амалга оширилиши лозим.

Мени бир нарса ташвишлантираётгани учун ушбу хабарни ёзишга журъат этдим; ҳадемай, бахши таваллуд топган кун ҳам етиб келади; аммо бу ишга бошқош бўладиган республика Ёзувчилар уюшмаси ва фольклоршунос олимларимиз бу санани эсдан чиқариб қўйганга ўхшайдилар. Акс ҳолда ҳозирдан бошлаб қутлуғ сана билан боғлиқ ишлар бошланиб кетиши, махсус комиссия тузилиши лозим эди.

Биз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ушбу масалада бизга ёрдам беради, атоқли шоирнинг 50-йилларда чоп этилган танланган асарлари тўпламини қайта чоп эттиради, деган умиддамиз.

Абдураҳмон ҚОДИРОВ,
район халқ бўлимининг мудири.

ТЕГИРМОНЛАР ИШГА ТУШИРИЛДИ

БОҒДОД. Ун комбинати тегирмонлари дон торта бошлади. У ҳар куни 250 тонне маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати га эга. 14-қурилиш трестининг механизациялашган 1-кўчма колоннаси бинокорлари тегирмонлар ёнида 18 минг тонна дон сақлашга мўлжалланган омборхонани ҳам тикладилар. Комбинатнинг иккинчи навбатини шу йилнинг тўртинчи чорагида ишга тушириш мўлжалланмоқда. 1993 йилда озуқа цехи қурилиши режага кирган.

Й. ШАРОПОВ.

Ойгул МАМАТОВА

ЗАРАФШОН БЎЙЛАРИДА

Бундан уч—тўрт йил муқаддам Оқдарё районида катта учрашув бўлди. Марказий ўйингоҳда 20 мингга яқин адабиёт ва санъат ихлосманди йиғилди. Машҳур шоирлар шеърлари жаранглади, хонандалар қўшиқлари янгради.

Мен шеър ўқишни энди тугатиб турган эдим, ёнимга бир қиз келиб: «Азим ака, мен ҳам шеър ўқисам бўладими?» деб қолди. Бажонидил навбат олиб бердим. У шеър ўқиди.... Яна ўқиди... яна ўқиди. Одамлар қарсаклар билан қайта-қайта олқишлашди. У ёш шоира, ўша пайтдаги оддий қишлоқ муаллимаси, ҳозир Ўзбекистон ССР халқ депутати, Олий Кенгашнинг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият комитетида ишлаётган Ойгул Маматова эди.

Ойгул адабиётга, шериятга ғоят ошуфта. У эл-юрт хизматида бўлишга қарамай, ижод билан мунтазам шуғулланиб келаяпти. Шеърлари, туркумлари, «Жаннат қуши» романидан парчалар эълон қилинганди, ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Истеъдодли шоира, оқила адиба, элпарвар депутатимизга ҳаётда ва ижодда комиллик тилаб, унинг айрим ашъорларини «Халқ сўзи» толибларига тақдим этишни лозим топдик.

Азим СУЮН.

ВАТАН

(Сайёрнинг «Бир елкамда Россия, бир елкамда Ўзбекистон» дея ҳитоб қилувчи «байналмилал» мисрасига жавоб).

Ўзбекистон —
Сен ўшал, қўша-қўша юртларни елкалаб
Икки этак оғир юк икки ёнида
Эгатларда туртиниб келаётган қиз.
Ўзбекистон —
Сен ўшал, тош бошини чангаллаганча
Юк остида базўр бўйинини тутиб
Тарозига юкиниб келаётган қиз.
Айтишга осондир балки
Икки елкада
Икки мамлакатни азот кўтармоқ.
Аммо бу ҳитоб
Чигитни пахта қилиб тарозигача
Етказиб келмоқдан осонроқ.
Ўзбекистоним,
Мен сени бир елкамда кўтаролмайман.
Сени юк мисоли елкамга ортсам,
Нимани қўяман ахир бошимга.
Вошлар ватан учун яралган асли.
Ҳар ким ўз ватанин қўйса бошига
Ҳеч ким ҳеч қачон
Юртини елкалаб қолмасди.

КУЗ

Хазонларинг тўкилиб, тўкилиб
Нелар қолди ўзингга
Кўзим, азизим,
Яланғоч хивичларми?..
Анҳорларинг оқиб, оқиб
Нелар қолди бўғзингда
Кузим, азизим,
Қора лой чўкичларми?..
Турналаринг бўзлаб кетди,
Қўшиқ айтиб йиғлаб кетди.
Хотиранг осмонида не из қолди,
кузим-ей,
Қон-қора чизиқларми?..
Меваларинг қўлга тушди,
Кафас янглиғ тўрга тушди.
Шивирлаб боз йиғиларинг
Бошладингми, кузим-эй,
Яна ёш-ўкинчларми?...
Ёлвораман, йиғламагин.
Кўйлагингни қонга сотма.
Жон кузим,
Ишон унга,
Иўли зарҳал баҳорингнинг
Сени маҳтал кутади.
Рўмолингни йиғлаб мендек
Ерга отма, оҳ кузим!
Бу дунёга сочи ёйиқ
Бир ялангбош етади...

ДАРВЕШ АЁЛ

Ўтиб минг асрлар, минглаб асрлар,
Бу дунё дарвешдан соқит бўлмади.
Гадойининг ҳовучи донга тўлса ҳам,
Шоҳларнинг ғазноси конга тўламади.
Дунёни уйғотди дарвешлар доди,
Шоҳлар қиличини букди асолар.
Хуржунга диёнат рисқини солиб,
«Ҳақ-дўст» деб дунёдан ўтди боболар.
Шоҳ-гадо тенг ушбу асрга келиб
Хуржунига дон-дун тўлди дарвешнинг.
Асолари қолди бир сарқит бўлиб —
Қайси бир бурчида фалак гардишин.
Дарвешлар муножот қилмас — қорин тўқ,
Йўлларга бир мавҳум сукунат чўкди.
Шоҳга таёқ олиб югурган қуллар
Таъзимга ўрганди — тизларин букди.
Аммо...
Аёллар —
Сабр-қаноатин чоки ситмади.
Гадой эр қўлидан ушоқ ютса ҳам,
Хотинлар зотидан дарвеш чиқмади.
Танлари асодек қуриб битса ҳам,
Жон сўраб турса ҳам бўғзида йўқлик —
Чидади,
Соч ёйиб йўлга чиқмади.
Иффатини кафан қилиб йиқилди шўрлик.
Ҳайҳот!
Бугун-чи?!
Жандасиз гадойлар йўлларда нозир,
Ваз ўқиб чўнтагин шилар элимнинг.
Аёллар кўнглида ситди қаноат,
Тирик етимчалар излар қўлимни.
Тил бошқа, дил бошқа, биқинса юрак,
Сувнган бир тоғим кетса бўлиниб,
«Ҳақ-дўст» деб кўчага чиққим келади —
Аёллар зотидан илк дарвеш бўлиб!!!
Йўқ!
Мен шоир бўлмайман, ёзмайман китоб,
Чидаб туролмайман шеърим чиққунча.
Мен дарвеш бўламан — йўлга тушаман
Ва ортга қайтмайман куним битгунча!
Ялангоёқ Самарқанддан то Орол қадар
Асони юракка санчиб бораман.
Ҳовучга йиғаман элим кўз ёшин,
Хуржунни елкамга ортиб бораман.
Қумларда оёғим куйиб йиғлайман,
Бисотда бор-йўғим тўкиб йиғлайман.
Ғариб тўлқинларга термулиб чанқоқ,
Олти болам йиғлар менга қўшилиб.
Денгизимни йўқлаб, йўқлаб йиғласам,
Фарёдларимдан —
Сувилонлар ўлади нидай эшилиб.
Шўр тупроқ-ла юрагимни тузлаб йиғлайман.
Кўрилонларнинг қўйнида музлаб йиғлайман...
Э... Воҳ!
Дарвеш бўлмоғимга оз қолди менинг.
Қайтаринг одамлар, мени қайтаринг!
Аёллар зотидан дарвеш чиқса гар,
Ҳассаси теккан жой номусдан қулар,
Салтанат силкинар келажак ўлар!!!
Гўдаклар фарёди тутгай дунёни
Оҳ, она халқим,
Токим —
Халтасиз гайдолар йўқолмас экан,
Дарвешнинг қунидан туни узундир.
«Ҳақ-дўст, ё аллоҳ!» демасанг халқим,
Мендек дарвеш қизнинг йўли узундир.

х х х

Сен менинг кулгимга ишонма,
Заҳил табассумлар ўзимникимас,
Бу — шунчаки яшамоқ учун зарурат,
Тириклик белгиси,
Хурсандлигиммас!
Лол бўлма. «Феълингиз жумбоқ-ку», — дея,
Феълимни мен ўзим қилганман чигал.
Қўлларинг чўзмагил, еча олмайсан,
Бу тугун — эгоздир, ажалдир, ажал!
Сенинг йўлингда-чи, қанча гўзаллар—
Равон ип-ла палак тикар бахтингга
Мени унут!
Чигал умрим уволи ҳаққи
Ўралиб яшайин ўз қисматимга.

СОҒ ТАНДА—СОҒЛОМ АҚЛ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС УҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СПОРТ УЮШМАСИ ТУЗИЛДИ

Кекса авлод вакиллари яхши билишади. Илгари олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўз спорт жамияти бўларди ва у «Буревестник» («Бўрон қуши») деб аталарди. Шундай бўлиши табиий ва мантиқий эди. Бинобарин — жисмоний тарбия ва спорт халқ хўжалиги учун етук мутахассисларни — юксак унумли меҳнатга, Ватан ҳимоясига лаёқатли йигит-қизларни камол топтириш жараёнининг таркибий қисми саналади. Аммо чалакам-чатти қайта қуриш бу соҳани ҳам четлаб ўтмади. Талабаларнинг спорт жамиятини йириклаштириш баҳонасида бошқа тузилмаларга қўшиб юборилди. Оқибати нима бўлгани бугунги кунда ҳаммага аён. Йўл қўйилган хато мана энди тузатилаяпти.

Яқинда Тошкентда ўқув юртлари жисмоний тарбия-спорт уюшмасини ташкил этишга бағишланган таъсис конференцияси чақирилди. Унинг ташкилотчилари Ўзбекистон ССР Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон ССР халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий комитети, касаба уюшмаларининг Бутуниттифоқ кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамияти Ўзбекистон кенгаши ҳамда республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети бўлишди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. Жалолов ўқувчи ва талабаларнинг ҳаётида спорт ҳамда жисмоний тарбиянинг аҳамияти ҳақида гапирди. Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Ю. Шодиметов ўз сўзида бир қанча аянчли маълумотларни келтирди. Унинг айтишича, кейинги 30—40 йил ичида Ўрта Осиё туб аҳолисининг, жумладан ўзбек халқининг бўйи европаликларникига нисбатан 6—7 сантиметр пасайган. Шундай аҳвол вужудга келдики, баъзи жойларда йигитларимизнинг қўл-оёғи Минскда ишлаб чиқарилган тракторларни бошқаришга калтаклик қилаяпти. Республикамиздаги 50 та олий ва 250 та ўрта махсус ўқув юртларида илм олаётган ёшларнинг қарийб ярми ошқозон, асаб ва бошқа касалликларга чалинган.

Талабаларнинг спорт уюшмаси худди ана шу фожиани бартараф этишни ўз зиммасига олмоғи лозим.

Конференцияда уюшманинг устави қабул қилинди ҳамда раҳбар органлар тузилди. Ўзбекистон олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг жисмоний тарбия-спорт республика уюшмасини ташкил этишга бағишланган таъсис конференцияси чақирилди. Унинг ташкилотчилари Ўзбекистон ССР Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон ССР халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий комитети, касаба уюшмаларининг Бутуниттифоқ кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамияти Ўзбекистон кенгаши ҳамда республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети бўлишди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. Жалолов ўқувчи ва талабаларнинг ҳаётида спорт ҳамда жисмоний тарбиянинг аҳамияти ҳақида гапирди. Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Ю. Шодиметов ўз сўзида бир қанча аянчли маълумотларни келтирди. Унинг айтишича, кейинги 30—40 йил ичида Ўрта Осиё туб аҳолисининг, жумладан ўзбек халқининг бўйи европаликларникига нисбатан 6—7 сантиметр пасайган. Шундай аҳвол вужудга келдики, баъзи жойларда йигитларимизнинг қўл-оёғи Минскда ишлаб чиқарилган тракторларни бошқаришга калтаклик қилаяпти. Республикамиздаги 50 та олий ва 250 та ўрта махсус ўқув юртларида илм олаётган ёшларнинг қарийб ярми ошқозон, асаб ва бошқа касалликларга чалинган.

Талабаларнинг спорт уюшмаси худди ана шу фожиани бартараф этишни ўз зиммасига олмоғи лозим.

Конференцияда уюшманинг устави қабул қилинди ҳамда раҳбар органлар тузилди. Ўзбекистон олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг жисмоний тарбия-спорт республика уюшмасини ташкил этишга бағишланган таъсис конференцияси чақирилди. Унинг ташкилотчилари Ўзбекистон ССР Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон ССР халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий комитети, касаба уюшмаларининг Бутуниттифоқ кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамияти Ўзбекистон кенгаши ҳамда республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети бўлишди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. Жалолов ўқувчи ва талабаларнинг ҳаётида спорт ҳамда жисмоний тарбиянинг аҳамияти ҳақида гапирди. Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Ю. Шодиметов ўз сўзида бир қанча аянчли маълумотларни келтирди. Унинг айтишича, кейинги 30—40 йил ичида Ўрта Осиё туб аҳолисининг, жумладан ўзбек халқининг бўйи европаликларникига нисбатан 6—7 сантиметр пасайган. Шундай аҳвол вужудга келдики, баъзи жойларда йигитларимизнинг қўл-оёғи Минскда ишлаб чиқарилган тракторларни бошқаришга калтаклик қилаяпти. Республикамиздаги 50 та олий ва 250 та ўрта махсус ўқув юртларида илм олаётган ёшларнинг қарийб ярми ошқозон, асаб ва бошқа касалликларга чалинган.

Талабаларнинг спорт уюшмаси худди ана шу фожиани бартараф этишни ўз зиммасига олмоғи лозим.

Конференцияда уюшманинг устави қабул қилинди ҳамда раҳбар органлар тузилди. Ўзбекистон олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг жисмоний тарбия-спорт республика уюшмасини ташкил этишга бағишланган таъсис конференцияси чақирилди. Унинг ташкилотчилари Ўзбекистон ССР Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон ССР халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий комитети, касаба уюшмаларининг Бутуниттифоқ кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамияти Ўзбекистон кенгаши ҳамда республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети бўлишди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. Жалолов ўқувчи ва талабаларнинг ҳаётида спорт ҳамда жисмоний тарбиянинг аҳамияти ҳақида га-

ЭГАЛАРИГА ҚАЙТАРИЛДИ

ЖИЗЗАХ. (Ўз мухбиримиздан). Вилоят ички ишлар бошқармаси ОБХСС ходими М. Султонов бошлиқ гуруҳнинг фаол ҳаракати туфайли вилоятдан четга ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетилаётган 3 миллион сўмлик қимматбаҳо, камёб моллар ушлаб қолинди. Улар ичида 280 дона тикув машинаси, 1716 дона пахмоқ шарф, Германия чининг буюмлари, Япониянинг «Панасоник» телефон аппаратлари, Португалияда тайёрланган аёллар этиклари, Ҳиндистон маҳсулоти бўлмиш пахмоқ халатлар, почта-пўстинлар ва бошқа буюмлар бор. Ушлаб қолинган моллар магазин орқали халққа сотилди.

Абулқосим МАМАРАСУЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эгиларига оқ халат кийиб олган бу қалби дарё, меҳригиё касб эгаларини кўрганингизда дилингиз бирдан равшан тортади. Умрингиз, ҳаётингиз улар қўлида эканлиги бехтиёр кўнглингизден кечади. Чунки ҳеч бўлмаганда бир бор яқин инишингиз, қариндошуруғингиз саломатлик посбонлари қўлида даволаниб, шифо топиб чиқишган. Тўғри, бугунги кунда тиббиётимизнинг ўзига яраша муаммоларидан одамларнинг кўнгли тўлмаётган сабаблар ҳам бўлмоқда. Аммо ҳокимлар, тиббий хизмат кўрсатувчи ҳамширалар қўлни қовуштириб туришгани йўқ. Улар эл дардига малҳам бўлишга, халққа баҳоли қудрат хизмат қилишга бел боғламоқдалар. Бундай жамоалар орасида Тошкентдаги 1-клиник касалхонанинг нафас йўлларини даволаш бўлими ҳамширалари ҳам бор. Улар беморларга меҳрибонлик билан хизмат кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: бўлим ҳамширалари Азиза Расулова ва Мактуба Акрамова янги келган беморнинг насаллик тарихи билан танишмоқдалар.

Ф. АМИНОВ олган сурат.

Болалар ёзи бошланди

Оҳангарон дон маҳсулотлари комбинати ишчиларининг 220 нафар фарзандини Обжасой бўйидаги хушманзара лагерь ўз бағрига олди.

Ворошилов номли давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган мазкур лагерь бу йил болаларни алоҳида тайёргарлик билан кутиб олди. Уларнинг хавф-хатарсиз чўмилиши учун бассейн, спорт ўйинлари майдончаларн, мультфильмлар кўрсатиладиган махсус заллар, ухлаб ором оладиган хоналар яхшилаб жиҳозланди.

— Лагерь ёшлар учун фақат ўйин-кулги ва дам олиш жойи бўлиб қолмай, балки маънавий камолот мактабк ҳамдир, — дейди тажрибали педагог, оромгоҳ бошлиғи Абдулла Шеров. — Шунинг учун бу йилги таълим-тарбия дастурида болалар ўртасида одоб ва аҳлоқ, ўзаро дўстлик муносабатларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳафтада икки марта кинофильм қўйилади, Олмалиқ шаҳар маданият уйи қошидагв қўғирчоқ театри томошалар кўрсатади.

Тоғ бағрида жойлашган хушманзара оромгоҳда 1 сентябргача уч сменада 700 нафарга яқин ёшлар дам олади.

П. НИШОНОВ.
ЎзТАГ мухбири.

БУГУН: «Народное слово» саҳифаларида

Рўзноманинг ушбу сони бугун очиладиган Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясига бағишланган бўлиб, унда сессия кун тартибига қўйилган материалларга қандай муносабатлар билдирилаётганлиги ҳақидаги мақолалар, корреспонденциялар, репортажлар ўз аксини топган. Биринчи саҳифада «Бош муҳаррир устуни» рукни остида берилган мақолада сессиядан нималар кутилаётганлиги, унда қандай масалалар кўтарилганлигини ўқишингиз мумкин.

Сессия мажлислар залига украиналик ва ўзбекистонлик олимлар ҳамкорликда яратган антика электрон-ҳисоблаш машинаси ҳақида ҳикоя қилувчи суратли репортаж, тил ҳақидаги қонуни қандай бажарилаётганлиги, у дуч келаётган муаммолар ҳақида газета мухбири М. Харьковнинг Сирдарё вилоятидан ёзган мақоласи, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири З. Ботиров билан долзарб мавзуда ёзилган суҳбат ички саҳифалардан ўрин олган.

«Ўзбекистон ССРда виждон эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган материаллар мажмуаси, Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари дўстлигига оид мақолалар ва бошқа мавзулардаги янгиликлар тўртинчи саҳифада чоп этилган.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖЎРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТЎЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди 23.50.

Индекс: 64608. 5587-буюртма.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12